

## ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

### Мудирлар:

Малака ошириш факультетига қарашли “Дерматовенерология” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Гистология ва тиббий биология” кафедраси

### Доцентлар:

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси” кафедраси

Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли “Ижтимоий фанлар” кафедраси

### Ассистентлар:

Малака ошириш факультетига қарашли “1-сон ички касалликлар” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига

қарашли “Нормал ва патологик физиология” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “2-сон факультет ва госпитал терапия” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Юқумли ва болалар юқумли касалликлари” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Онкология ва нур таъхиси” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Клиник фармакология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Отолорингология ва стоматология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Ички касалликлар пропедевтикаси” кафедраси

**Ҳужжатларни қабул қилиш эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.**

MUASSIS:  
TOSHKENT  
TIBBIYOT  
AKADEMIYASI

MUHARRIR  
TURDIQUL  
BOBOMURATOV

TAHRIR HAYATI:  
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),  
O.Hazratov, A.Zohidiy, S.Mavlyanov,  
D.Norgulov, L.Abdugodirova, D.Xudoyqulov

Gazeta Pentium-IV  
kompyuterida sahifalandi va Toshkent  
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida  
400 nusxada chop etildi.  
Manzilimiz:  
Toshkent shahri, Farobiy  
ko'chasi, 2-uy  
Nashr uchun ma'sul  
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot  
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda  
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi  
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun  
mualliflar javobgardir  
Бепул тарқатилади

Topshirish vaqti: 14.00



# TIBBIYOTNOMA

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI

№ 1 2018 YIL 23 YANVAR



## ВАТАНГА ҚАЛҚОН, ХАЛҚИГА ПОСБОН!

1992 йил 14 январь куни мустақил давлатимиз тарихида муҳим тарихий ҳужжатга имзо чекилди. Шу кундан бошлаб мамлакатимизда ҳар йили 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни байрами озод ва эркин халқимизнинг муқаддас бир байрами сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. Мазкур тарихий санага 26 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 7 декабрдаги Ф-5135-сон Фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент тиббиёт академияси, ҳарбий-тиббий факультет ва Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти билан ҳамкорликда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти маданият саройида Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ташкил этилганлигини 26 йиллиги байрамига бағишланган маданий-маърифий тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Шу муносабат билан ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажариб келаётган бир гуруҳ ҳарбий-тиббий факультети ҳарбий-тиббий ўқитувчилари ва ҳарбий хизматчилари Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 26 йиллиги муносабати билан Тошкент тиббиёт академияси ректорининг фахрий ёрлиқлари, эсдалик совғалари билан ҳамда Ўзбекистон “VETERAN” жангчи-фахрий ва ногиронлари Бирлашмаси ёрлиқлари билан тақдирландилар, жумладан:

Давоми 2-бетда.

## БАРЧАМИЗ МАСЪУЛ...

“Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури”га мувофиқ мустақил Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантириш учун оламшумул аҳамиятга эга бўлган амалга оширилаётган ислохотлар, кадрлар сифатини ошириш, юқори малакали кадрларга эришиш бир неча омилларга: ўқув жараёнининг қандай ташкил этилганлиги, профессор-ўқитувчилар салоҳияти, дарслик ва ўқув-услубий қўлланмаларнинг етарли даражада мавжудлиги, ўқув хоналарининг замонавий асбоб-ускуналар ва янги технологиялар билан таъминланганлиги ҳамда талабаларнинг ўқитилаётган фанларга бўлган қизиқиши билан бевосита боғлиқдир.

Жамиятимиз тараққиёти, иқтисодий ривожланиши тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртлари олдида ҳам юқоридаги мақсадларни амалга оширишда бир қатор вазифаларни бажаришни қўймоқда. Жумладан, олий таълим тизимидаги икки этапни йўналиш (бакалаврият ва магистратура) талабалари, Республикаимиз Президентини Ш.Мирзиёевнинг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги (ПҚ-2909 20.04.2017 й.), “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”, (ПҚ-2956 05.05.2017 й.), “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодий соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (ПҚ-315127.07.2017 й.) Қарорлари ва бошқа бир қатор меъриий ҳужжатлар бунинг намунаси. Юқоридагиларга кўра олий таълим олган мутахассис фақат чуқур билимлар эгаси бўлибгина қолмай, балки, ишчи, хизматчилар жамоасини ташкил этишни ва бошқаришни, замонавий технологияларни билиши, ўз меҳнат фаолияти мобайнида корхона ёки ишлаб чиқариш бирлашмалари, тадқиқот институтларида амалий муаммоларни ҳал эта билишни ўрганишни давр тақозо этади. Бу каби вазифаларни тўғри ҳал этишда тиббиёт олий ўқув юртлари педагогик ходимларининг ҳам ўрни ва масъулияти катта.

Янги бошланган 2018 йилнинг 8 январь куни Тошкент тиббиёт академиясида “Тиббий таълимдаги ислохотлар, муаммолар ва уларнинг ечими” мавзусига бағишланган навбатдаги XIII-ўқув-услубий семинар бўлиб ўтди.

Давоми 6-бетда.



Ойлар ўтар, йил ўтар, ишинг ҳеч тугамайди,  
Баҳоринг елдек ўтар, қишинг ҳеч тугамайди.





## ВАТАНГА ҚАЛҚОН, ХАЛҚИГА ПОСБОН!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон “V E T E R A N” жангчи-фахрий ва ногиронлари Бирлашмаси томонидан “Харбий тиббиётга қўшган ҳиссаси учун” халқаро медали билан Тошкент тиббиёт академияси ректори Л.Н.Тўйчиев, ТТА Магистратура бўлими бошлиғи А.А.Имамов, ТТА хузуридаги Харбий-тиббий факультет подполковниги Х.Н.Примов, ТТА хузуридаги Харбий-тиббий факультет подполковниги Ш.Ш.Садиқовлар тақдирланган бўлса, “Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда қўшган ҳиссаси учун” медали билан ТТА хузуридаги Харбий-тиббий факультет бошлиғи Д.Р.Сабиоровлар тақдирланди. Шунингдек, Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги Харбий-тиббий факультетида фаолият кўрсатаётган ходимларни – Сабиров Джахонгир Рўзиевич (Харбий-тиббий факультет бошлиғи Тиббий хизмат полковниги), Қобилов Акбар Абдувалиевич (Тиббий хизмат майори), Зиядуллаев

Абдуқахор Шамсиевич (Қуролли Кучлар хизматчиси), Юлдашева Юлдуз Шодиевна (Қуролли Кучлар хизматчиси) Тошкент тиббиёт академияси ректори фахрий ёрлиғи билан;

Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги Харбий-тиббий факультетининг тақдирланувчи харбий хизматчилари ва Қуролли Кучлар хизматчилари, жумладан, Сиддиқов Комилжон Садиринович (Тиббий хизмат подполковниги), Асадов Азиз Самиевич (Подполковник), Мавлонов Аслам Олимович (Подполковник), Яхяев Шукрулло Абдулазизович (Тиббий хизмат подполковниги), Нуруллаев Арзикул Журақулович (Тиббий хизмат полковниги), Хужманов Утамурод Мамарасулович (Тиббий хизмат полковниги), Насриддинов Акмал Нажмиддинович (Тиббий хизмат подполковниги), Примов Хайрулла Нарзуллаевич (Тиббий хизмат подполковниги), Акбаров Ўткир Худайберганович (Подполковник), Қосимов Хасанбой Ўринович (Подполковник), Содиқов Шухратжон Шокиржанович (Тиббий хизмат майори), Ярмолюк Елена Исмаиловна (Кичик сержант), Рахимов Абдураим Фозирович (Қуролли Кучлар хизматчиси), Маматов Исроил (Қуролли Кучлар хизматчиси), Ярашев Соли Сафарович (Қуролли Кучлар хизматчиси), Чуб Валерий Леонидович (Қуролли Кучлар хизматчиси) ТТА Касаба уюшмасининг эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Тадбир давомида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг бадиий жамоаси ва Тошкент тиббиёт академиясининг иқтидорли талабалари тайёрлаган Ватанини мадҳ этувчи куй-кўшиқ, талабалар ижодига мансуб шеърлар йиғилганларга тақдим этилди.

**Т.БОБОМУРАТОВ,**  
Тошкент тиббиёт академияси  
маънавият ва маърифат ишлари  
бўйича проректори

## ДОЛЗАРЪ МУАММО ПЕДАГОГЛАР НИГОҲИДА...

Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.

**Ш.МИРЗИЁЕВ**

Ҳозирда талабаларга турли туман билимлар тўпладиган объект, яъни фақат билимдон мутахассис деб эмас, балки интеллектуал ва маънавий жиҳатдан баркамол фазилатларни ўзлаштирувчи инсон деб қаралади. Зотан, таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш ҳозирги кунда давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигини мамлакатимизда яшовчи ҳар бир киши ҳозирда ҳис этиб турибди.

Шуларни инобатга олган ҳолда Академия қошидаги академик лицейи мажлислар залида “Тошкент тиббиёт академиясида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, тарбия тизимининг мақбул усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш” мавзусида навбатдаги маънавий-маърифий анжуман бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда академиянинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори, профессор Т.Бобомуратов “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да Тошкент тиббиёт академиясида олиб бориладиган ишлар тўғрисида” маъруза билан чиқиш қилди. Маърузачи академияда жорий ўқув йилида амалга оширилган ва ишлари лозим бўлган вазифаларга алоҳида тўхталди ва бу борада академия профессор-ўқитувчилари фаол иштирок этиши лозим бўлган масалаларга алоҳида урғу берди.

Шунингдек, анжуманда ўз маърузалари билан иштирок этган ТДИУ маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори, профессор М.Комилов ТДИУда маънавий-маърифий ишлар самара-

дорлигини ошириш бўйича амалга татбиқ этилаётган тадбирлар билан ўртоқлашган бўлса, ТДЮУ профессори Ж.Холмўминов эса мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Парламентга Мурожаатномаси бўйича батафсил маълумот берди. Республика маънавият ва маърифат маркази бўлими бошлиғи Ш.Тўраев томонидан Республика маънавият ва маърифат маркази, унинг вилоятлардаги бўлимлари олиб бораётган маънавий-маърифий ишларнинг кўлами, уларнинг ёшларимиз тарбиясига таъсири ҳақида фикр юритилди.

Шунингдек, анжуманда академиянинг мураббийлик кенгаши раиси, профессор О.Миртазаев ҳам академия мураббийларининг фаолияти, улар томонидан олиб борилаётган ишлар, амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, бу борада ечимини кутаётган масалалар, камчиликлар, таклифлар бўйича маъруза билан чиқиш қилди.

Анжуманда кўрилган масалалар муҳокамаси юзасидан бир қатор профессор-ўқитувчилар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди ва анжуман ўзининг долзарблиги ва амалий жиҳатдан қимматлиги, фойдали эканлиги билан иштирокчиларда муҳим аҳамият касб этганлиги улар томонидан эътироф этилди.

**Шаҳноза ХОДЖАНОВА,**  
тиббий педагогика факультетига қарашли  
2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси  
ассистенти

## МУҲАДДИСЛАР СУЛТОНИ

“Имом Бухорий Аллоҳнинг ерда юрувчи мўъжизаси эди”

Муҳаддис Маражжа ибн Ражаб

**Ўрта Осиёда, хусусан, юртимизда туғилиб ўсган буюк зотлар ва олиму фозуллар дунё тамаддуни ривожига ўз ҳиссасини қўшган. Улар ҳақида газетамизнинг ҳар сониди қизиқарли маълумотлар бериб борамиз.**

Дарҳақиқат, агар Мовароуннаҳрдан чиққан олиму-уламоларни феруза осмондаги юлдузлар ҳисобласак, имом Муҳаммад Исмоил ал Бухорий улар орасида баайни Авжи Зуҳалдек, ёки тўлин ойдек эди. Гарчанд, Абу Райҳон Беруний назарий жиҳатдан Колумбдан аввал Американи кашф этган, Қафқол Шоший араб грамматикасини ислоҳ этиб “**Жоруллоҳ-Аллоҳ жарчиси**”, Абу Али Ибн Сино “**Шайхур –раис**” унвонларига эга бўлиб замона илмини олдга сурган, Мирзо Улуғбек “**Зижжи жадиди Курагоний**” да 3000 га яқин юлдуз харитасини яратган бўлса-да, уларнинг шуҳрати буюк бобокалонимиз Бухорийникига тенглаша олмайди. Академик А.Царегородцев “**Файласуф – шифокорлар**” китобида “**Ҳамманинг муқобили бор, аммо Гиппократга ҳеч ким тенг кеолмайди; Цицеронга Демосфен, Виргилийга Гален муқобил бўла олади**”, деб эътироф этганидек улуғ бобокалонимиз ҳам беназир ва муқобили йўқ улуғлардандир.

Буюк ҳаж сафаридан қайтган юртдошларимиз дунёнинг ҳамма худудларида Бухорий номи эъзозланишини, Маккатуллоҳда унинг юртдошларига алоҳида меҳр ва муҳаббат кўрсатилишини эътироф этганлар.

Ул зоти бобаракотнинг тўлиқ исми шарифлари Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Муғйра ибн Аҳнаф Бардизбах Жуъфий ал Бухорий бўлиб, “**Муҳаддислар имоми**”, “**Ҳадис илми олимлари устози**”, “**Орифлар султони**” каби бир қатор улуғ манокбиларга эгадир. Ҳазрат ҳижрий йилнинг 194 (мелодий 810) да Бухоройи шарифда таваллуд топганлар. Етимликда ўсиб, тўққиз ёшида Куръони Каримни тўлиқ ёдлаганлар. Ҳадис эшитишни яхши кўрар, балоғатга етунига қадар етмиш минг ҳадисни ёд олганлар. Ун олтига тўлганларида она – бола ҳаж сафарига жўнашадилар. Онаси ҳожилар билан ортга қайтади, аммо Муҳаммад ҳадис ўрганиш ва илмини комил этиш мақсадида Маккада қолади кейин илм толиби тўлиб унинг мусофирликдаги ҳаёти бошланади, бу изланиш уни Бағдод, Кўфа, Миср, Хуросон, Шом, Ҳижоз, Басра, Яман, Истанбулларга элтади.

Ҳадис илми жаноби Расулulloҳнинг умрғузaronликлари, илмлари, муомала маданияти ва Исломи дини асослари хусусидаги илмлар жамланмаси бўлиб, мазкур китобларнинг бошида Исломи уммати қадимдан эътироф этиб келаётган олти ҳадис китоби ўрин олган. Қолган уч ўрин учун мазкур олтиликдаги олтинчи ўринга даъвогарлик қилаётган ҳадис китоблари киритилган. Бу тўққизта китоб ҳадис уламолари орасида “**Саҳиҳ тўққизталиқ**” деб юритилади. Уларга қуйидагилар киради:

- 1.“Саҳиҳул Бухорий” (7563 та ҳадис).
- 2.“Саҳиҳи Муслим” (7479 та ҳадис).
- 3.“Сунани Абу Довуд” (5274 та ҳадис).
- 4.“Жомеи Термизий” (3956 та ҳадис).
- 5.“Мужтабойи Насоий” (5758 та ҳадис).
- 6.“Сунани ибн Можа” (4341 та ҳадис).
- 7.“Муваattoйи Молик” (1843 та ҳадис).
- 8.“Сунани Доримий” (3465 та ҳадис).
- 9.“Саҳиҳи ибн Хуббон” (7096 та ҳадис).

Куриниб турибдики, ўзининг кўлами, маънодорлиги, ишончлиги бўйича буюк бобокалонимизнинг китоблари биринчи ўринда

турибди. Бундан ташқари мазкур рўйхатда Термизий ва Доримий каби тупроқдошларимиз борлиги ҳам ўзбек миллатининг жаҳон ҳамжамиятидаги илм аҳкомлари орасида ўз ўрни борлигини кўрсатади.

Имом Бухорий жами 600 минг ҳадис тўплаб шундан 100 минг саҳиҳ 200 минг заиф ҳадисларни ёд олган, буларни тўплаш учун 90 мингдан ортиқ олимлар ва фозиллар хузурида бўлган ушбу ҳадислар орасидан саҳиҳларини аниқлаб, улар асосида ўзининг машҳур “**Ал Жомеъ ас-саҳиҳ**” китобини ўн олти йил мобайнида ёзиб тугатган. Унда етти мингдан ортиқ саҳиҳ ҳадисни ажратиб, тартиб билан жамлаган. У киши ҳар бир ҳадисни алоҳида ғусл илиб, икки ракаат намаз ўқиб Расулulloҳнинг руҳларидан сўраган ҳолда китобга қайд этганлиги хусусида бир қатор ривоятлар бор.

Шахсий сифатларига келсак, ҳазрат озгин ва бўйчан киши бўлиб, дунёдан зоҳидона ҳаёт кечириб ўтганлар. Кам таом билан қониққанлар, айрим кунларида икки-уч дона бодом билан таомланганлар.Аллоҳи карим имом Бухорийга ўткир заковат, тенгсиз қуввайи ҳофиза ва ишчанлик қобилиятини ато қилган бўлиб, ўн бир ёшидаёқ устози Доҳилийнинг ҳадисдаги хатосини тўғрилаганлиги бунинг бир аломатидир. Уни синаш учун Бухоро, Самарқанд, Бағдод, Маккада бир неча юз кишилик олимлар йиғилиб, имтиҳонлар ўтказганлар, атайлаб адаштиришга ҳаракат қилганлар. Аммо, юзлаб олимлар имтиҳон сўнггида ўзлари хатокор

ва жоҳил эканлигини, имом Бухорийнинг ҳақиқий комил ва фозил эканлигини эътироф этганлар. Унинг замондошлари бир қатор сифат ва хислатларини, қароматларини битиб қолдирганлар. Жумладан, Абу Ййсо Термизий “**Ироқда ҳам, Хуросонда ҳам иллатлар маъносини, тарих ва иснодларини билишда Бухорийдек бирор кишини кўрмадим**” деган бўлса, ўз даврининг атоқли уламоларидан бири имом Ҳоким “**Бу дунё остин –устун қилиб юборилса ҳам, Бухорийдек заковатли ва ўткир хотирали одам топилмайди**” деган. Асли христиан бўлиб исломга кирган Абдуллоҳ номини олган Хайнс Гирлтон имом Бухорий мероси билан танишиб “**Бухорий Исломининг энг катта устунларидан бири экан**” деб хайқириб юборган. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал; “**Хуросондан Муҳаммад ибн Исмоил даражасида бирорта олим чиқмаган**”, Мусо ибн Ҳорун Ҳаммоқ эса, “**Аҳли Исломи барчаси жамланиб Муҳаммад ибн Исмоилга ўхшаш яна бир кишини етиштироқчи бўлишса эплай олмайдилар**” деганлар. Салим ибн Мужоҳид эса; “**Олтиш йилдан бери Муҳаммад ибн Исмоилдан ҳам фақиҳроқ, парҳезкорроқ ва дунёда зоҳидроқ одамни кўрмаганман**” деган. Абу Амр Аҳмад ибн Наср эса; “**Ким Муҳаммад ибн Исмоил ҳақида бирорта номаъқул нарса айтса, мендан унга минг лаънат бўлсин**”, деган. Улуғ муҳаддислардан бири Имом Муслим ибн Ҳажоҷ имом Бухорий хузурига келиб; “**Эй устозларнинг устози, муҳаддисларнинг саййиди, ҳадис иллатининг табиби, ижозат беринг, оёқларингиздан ўпай**”, деганига шоҳид бўлган одамлар битиклар қолдирганлар.

*Давоми келгуси сонда*





## БАРЧАМИЗ МАСЪУЛ...

(Давоми. Боши 1-бетда)

Семинарнинг очилиши академия қошидаги академик лицей мажлислар залида бўлиб ўтди. Уни Тошкент тиббиёт академияси ректори, профессор Л.Туйчиев кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларни анжуман дастури ҳамда кун тартибда кўриладиган асосий масалалар билан таништирди. Академия ректори Л.Туйчиев шунингдек, ўз сўзида бугунги кунда мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, уни янги сифат босқичига кўтариш, унга илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш, кенг қўламда таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини алоҳида таъкидлаб, соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар доимий ва узлуксиз жараён эканлиги, тиббиёт ҳам илм-фан, ҳам амалиёт сифатида мунтазам такомиллашиб борилаётганлиги ва бу бизнинг миллий соғлиқни сақлаш моделида ўз ифодасини топанлигини буларнинг барчаси эса ўз навбатида олий таълим муассасалари олдинги таълим сифатини тубдан яхшилаш, олий ва ўрта махсус таълим тизимида таълим йўналишлари ва мутахассисликларини бугунги кун нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш вазифалари қўйилганлигини ва навбатдаги бу анжуманинг шу нуқтаи назардан нечоғлиқ долзарблигини анжуман қатнашчиларига яна бир бор эслатди. Сўнгра академиянинг ўқув ишлари бўйича проректори, профессор Ш.Боймурадов "Тиббий таълимдаги ислохотларни амалга ошириш самарадорлиги", Корё университети профессори Ким Сук Вон "Атроф муҳит ва инсон саломатлиги бўйича магистр талабаларини ўқитишда педагогик технологияларнинг ўрни (Корёя тажрибаси)", даволаш факультети декани, профессор Б.Холматова Олий таълим тизимида

таълим сифатини таъминлаш: e-learning", умумий жарроҳлик кафедраси профессори А.Охунов "Тиббий таълимда инновацион педагогик технологияларни қўллаш" каби мавзуларда қизиқарли маърузалар қилишди.

Маърузачилар ўз чиқишларида умумий амалиёт шифокорини тайёрлашдаги академияда олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиш билан бир қаторда ечимини кутаётган қўллаб муаммоларга ҳам тўхталишди, жумладан, умумий амалиёт шифокорларини тайёрлашда муҳим роль ўйнайдиган кафедраларнинг фаолиятини янада кучайтириш, махсус кафедраларнинг ҳам масъулиятини ошириш, УАШ тайёрлайдиган кафедралар фаолиятини уйғунлаштириш, талабаларда амалий кўникмаларни чуқур ўзлаштиришга эришиш, бунда 1-курсдан бошлаб, шахслараро мулоқот кўникмаларини ривожлантириб бориш, битирувчиларнинг касбий маҳоратини эгаллашга эришиш, профессор-ўқитувчилар касбий салоҳиятини ошириш, ўқув-услубий таъминот муаммоларига тўхталишди, таълим сифати ва самарадорлиги таҳлил қилинди, таълим йўналишлари ва мутахассисликларини намунавий ўқув режаларини яратиш, янги авлод – "электрон" дарсликларини яратиш ва чоп этиш, ўқитишда янги педагогик ва ахборот технологияларидан, хорик тажрибаларидан кенг фойдаланиш, чет тилларни чуқур ўрганиш ва уни амалиётда кенг татбиқ этиш лозимлиги таъкидланди.

Куннинг иккинчи ярмида анжуман иштирокчилари Тошкент тиббиёт академиясининг маърузалар залларида 8 та: терапевтик, жарроҳлик, акушерлик-гинекология, тиббий-биология ва фундаментал фанлар, тиббий-профилактик, ижтимоий-гуманитар фанлар, олий ҳамширалик иши, УАШ тайёрлаш секцияси, харбий тиббиёт факультети блокларига бўлинган ҳолда анжуманни давом этдиришди. Секциялар

ийгилишларида: педагогика ва тиббиёт: инновацион ўқув технологиялари, тиббий биологик фанларда таълим сифати ва мазмунини ошириш йўллари, инновацион таълим муҳитида педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантириш, тиббий таълимнинг сифатини оширишда ОТМлар ўртасидаги алоқаларни ўрни, ички касалликлар фанини ўзлаштириш ва амалиёт сифатини оширишга йўналтирилган ислохотлар аҳамияти, амалий машғулотларни ўтишда замонавий таълим ислохотларини такомиллаштириш, олий харбий-тиббий таълимда олиб борилаётган ислохотлар каби жами 57 та қизиқарли мавзулар бўйича маърузалар, чиқишлар орқали тажриба алмашишди, ўзларининг истак-таклифлари билан ўртоқлашди.

Шунинг билан бирга маърузачилар ўз чиқишларида умумий амалиёт шифокорини тайёрлашдаги академияда олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиш билан бир қаторда **ечимини кутаётган:** битирувчиларнинг касбий тайёргарлиги ҳақида, амалий кўникмаларни эгаллаш усулларини такомиллаштириш, шахслараро мулоқот кўникмаларини эгаллаш, талабаларни амалий фаолиятга тайёрлаш сифатини ошириш каби долзарб масалалар бўйича ҳам тўхталишди. Анжуман иштирокчилари кўрилган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигига ўзларининг таклиф-мулоҳазаларини хавола этишди ва барча масалалар юзасидан тегишли резолюция лойиҳасини қабул қилишди.

Давлатимиз талабига жавоб берувчи юқори малакали умумий амалиёт шифокорларини тайёрлашда тиббиёт олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг роли ва масъулияти қанчалик юқори эканлигини ушбу семинар қатнашчилари яна бир бор эътироф этдилар.

**Шоира ҚОДИРОВА,**

тиббий педагогика факультети катта ўқитувчиси

## ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент тиббиёт академияси ва Корёя Республикасининг Корё университети билан "Экология ва инсон саломатлиги лойиҳаси" доирасида меморандум имзоланди. Президентимиз Қарорларида ва меморандумда кўрсатилган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент тиббиёт академияси ва Корё университети билан ҳамкорликда Иккинчи Халқаро симпозиум ўтказилди.

Симпозиумга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси спикери муовини, Ўзбекистонда экологик ҳаракат Марказий Кенгашининг ижроия қўмитаси раиси Б.Алиханов, Корёя Республикасининг Ўзбекистондаги мухтор элчиси жаноб Квон Йонг Ву, Корёя университетининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилар ва магистратура талабалари ташриф буюришди.

Симпозиумда ТТА ректори Л.Туйчиев сўзга чиқиб, экология ва атроф-муҳит омилларининг инсон саломатлигига таъсирини ўрганиш ҳамда инсон саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш бўйича кенг қамровли ишлар дунё микёсида, шунингдек, республикамизда амалга оширилаётгани ҳақида маълумот бердилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси спикери муовини, Ўзбекистонда экологик ҳаракат Марказий Кенгашининг ижроия қўмитаси раиси, профессор Б.Алиханов, Корёя Республикасининг Ўзбекистондаги мухтор элчиси жаноб Квон Йонг

Ву, Корёя университетининг жамоат саломатлиги олий мактаби профессори жаноб Чой Дже Ук сўзга чиқиб иккинчи халқаро симпозиум қатнашчиларини табрикландилар.

Корё университетининг жамоат саломатлиги олий мактаби профессори жаноб Ки Мюнг "Объективное здоровье: повестка дня, как внутри страны, так и в международном пространстве", ТТА профессори Ш.Боймурадов "Перспективы подготовки кадров в области охраны окружающей среды в ТМА", Корё университети профессори Минг Жунг Чо "Изучение научно-исследовательского потенциала в сфере здравоохранения в Узбекистане", Атроф муҳит гигиенаси кафедраси мудири т.ф.д. Ф.Саломова "Подготовка специалистов в области охраны окружающей среды и здоровья человека в ТМА", Корё университетининг жамоат саломатлиги олий мактаби илганувчиси Йо Сеунг Ми "Введение национального консультативного центра по вопросам полиса медицинского страхования в Корее", ТТА коммуналь ва меҳнат гигиенаси кафедраси мудири, профессор Г.Искандарова "Окружающая среда и значение дефоляции в хлопководстве" ва бошқа мавзуларида постер докладлари билан иштирок этдилар.

Симпозиумда экологик ва атроф-муҳит омилларининг инсон саломатлигига таъсирини ўрганиш ҳамда уларнинг зарарли таъсирини камайитириш ва касалликлар профилактикасига бағишланган илмий тадқиқот ишларининг натижалари муҳокама қилинди.

**Ф.САЛОМОВА,**

Атроф муҳит гигиенаси кафедраси мудири, профессор

## ШИФОКОРЛАР САФИ ЯНАДА КЕНГАЙДИ

**Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида олий тиббий таълим соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича қабул қилинган мақсадли дастурларни амалга ошириш натижасида самарали тизим яратилди.**

Шунга қарамай шифокорлар тайёрлаш борасидаги республикамиз ҳамда ривожланган хорижий мамлакатларда тўпланган тажрибалар ушбу соҳани янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Олий тиббий таълим муассасаларида бакалаврият босқичининг (даволаш иши) 7 йил давом этиши халқаро замон талабларига жавоб бермаслиги билан бирга мазкур таълим учун асосланмаган ҳолда ортиқча молиявий маблағларни талаб этади. Шифокорлар тайёрлашда таълим жараёнининг узоқ муддатлиги мамлакатимизнинг айрим ҳудудларидаги соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимида кадрлар билан таъминлашда номутаносибликни юзага келтирди.

Олий ва ўрта махсус тиббий таълимни хорижий давлатлар амалиётидаги юқори даражага кўтариш ва тиббий таълим сифатини янада оширишни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сонли "Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қароридан қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган эди. Тиббий таълим соҳасида даволаш иши йўналишида ўқш муддатларини 7 йилдан 6 йилга қисқартирилган таълим тизимига ўтилиши халқаро стандарт талабларига мос келиши билан бирга, бюджет маблағларини мақсадли сарфланишига, шу билан бирга тиббиёт кадрларини етишмовчилигини қоплашни 15 фоизга тезлаштирилишига қаратилган.

Президент Қароридан қайд этилган тадбирлар, тиббиёт соҳаси учун малакали кадрларни тайёрлашда қўшимча шарт-шароитлар яратиш, стандартларни такомиллаштириш, тиббий таълим муассасалари кадрлари салоҳиятини ошириш, инсон ресурсларини мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимларини тайёрлашда амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш учун кенг имкониятлар яратиш, ўқув жараёнини самарали ташкил этиш ва пировард натижада юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлашга хизмат қилади.

Даволаш, тиббий педагогика ва тиббий профилактика факультетларининг битирувчи талабалари билан Тошкент тиббиёт академиясига қарашли академик лицейда Тошкент тиббиёт академиясининг 2017-2018 ўқув йили битирувчиларига бағишланган тантанали маросим ташкил этилди. Республикаимизнинг тиббий муассасаларига 400 га яқин ёш, билимга чанқоқ, тиришқоқ, замон талабларига жавоб берувчи битирувчиларимиз умумий амалиёт шифокори лавозимига тайинланди. Тошкент тиббиёт академияси ректори, профессор Л.Туйчиев битирувчилар билан бўлган учрашувда улар зиммасига



қўйилаётган масъулият тўғрисида гапириб, профессор-ўқитувчиларимиз улардан ҳеч қачон ўз ёрдамларини аямасликларини ва доимо маслаҳатлар беришга тайёр эканликларини гапириб ўтди. Факультет деканлари ҳам ўз навбатида сўзга чиқиб, илиқ сўзларини битирувчиларга билдиришди. Битирувчиларимиз мустақил фаолиятга қадам қўйиш арафасида кучли ҳаяжонда бўлсаларда, олдиларида турган вазифаларни тўлиқ бажаришга ва Тошкент тиббиёт академияси битирувчиси номига доғ туширмасликка ҳаракат қилишга ваъда беришди.


Хар йилгидан фарқли равишда бу ўқув йилида барча талабаларимиз ҳеч қандай қийинчиликларсиз иш жойи билан таъминландилар. Аксарият талабаларимиз ўз туғилиб ўсган жойларига ишга юборилдилар. Хар бир вилоят соғлиқни сақлаш бошқарма ходимлари битирувчиларимиз билан шахсан учрашиб, уларни иш жойлари билан таништирдилар.

Тошкент тиббиёт академиясида олиб борилаётган таълим ислоҳоти келажақда олий малакали шифокорлар тайёрлашга қаратилган. Бундай соғлом муҳитда тарбия топган ёш авлод шубҳасиз баркамол инсон бўлажак.

Олий ўқув юртларида энг аввало инсоний самимий муносабатларни қарор топтириш, ёшларда ватанпарварлик руҳини рағбатлантириш, она юртига, унинг қадриятларига садоқат ҳиссини шакллантириш аввало соғлом авлод мафқурасининг устувор йўналиши сифатида қаралиши ва амалиётда ўз ифодасини топиши лозимлиги доимо барчамизнинг эътиборимизда бўлишини тақозо этади.

Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари битирувчиларга оқ йўл тилаб қолар эканмиз, доимо уларга ёрдам беришга тайёр эканлигимизни яна бир бор таъкидлаймиз.

**Б.ХАЛМАТОВА,**  
даволаш факультети декани,  
профессор







## ЎЧМАС СИЙМОЛАР

*Биз ким – мулки турон*

*Амири туркистонмиз*

*Биз ким – миллатларнинг*

*Энг қадими ва энг улуғи*

*Туркнинг бош бўғинимиз*

**Соҳибқирон Амир Темур.**

Мамлакатимизнинг барча таълим масканларида бўлгани каби Тошкент тиббиёт академиясида, барча факультет ва талабалар турар жойларида, кафедраларда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислон Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонланиши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов халқимиз, айниқса, ёш авлод камолоти йўлида мунтазам ғамхўрлик кўрсатганини бутун жаҳон жамоатчилиги эътироф этмоқда. Юртбошимизнинг хотирасини азиз ва муқаддас билиш, истиқлол йилларида мамлакатимизда ёш авлоднинг порлоқ келажаги йўлида яратилган шароит ва имкониятларни қадрлашга ўргатиш, ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат, юртпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш кенг жамоатчилик, таълим фидойилари, ота-оналар зиммасига масъулиятни юклайди.

Ислон Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, юртимизни собиқ мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, уни замонавий асосда тараққий эттириш стратегиясини, бутун жаҳонда «ўзбек модели» деган ном билан тан олинган ривожланиш йўлини ишлаб чиққан, жаҳон миқёсида катта обрў-эътибор қозонган буюк давлат ва сиёсат арбоби сифатида Ватанамиз тарихида мангу қолади. Халқимиз ўзининг тарихан қисқа давр ичида босиб ўтган йўларини эришган барча ютуқ ва марраларини ҳақли равишда Президент Ислон Каримов номи билан боғлайди.

Ислон Каримов мамлакат мустақил тараққийёт дастурини ишлаб чиққан ва миллий тараққийёт йўлини белгилаб берган атоқли давлат арбоби, юртимизда амалга оширилган улкан ислохотлар, тарихий ўзгаришларнинг ташаббускори ва раҳнамосидир.

Мустақиллигимизнинг маънавий асосларини яратиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий жабҳалардаги туб ислохотлар, дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик, Қуролли Кучларимизнинг қудратини ошириш йўлидаги ишлар бевосита Ислон Каримов раҳнамолигида амалга оширилди. Биринчи

Президентимизнинг узоқни кўзлаган доно сиёсати, матонати, жасорати билан Ўзбекистон тинчлик ва осойишталик барқарор, турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўзаро ҳамжиҳат, аҳил ва тоувликда истиқомат қилаётган мамлакатга айланди.

Биринчи Президент Ислон Каримовнинг жасорати билан бутун минтақамизда ғараз ниятли найрангларга, турли фитналарга барҳам берилди. “Пахта иши”, “Ўзбеклар иши” деган тўхматларга чек қўйилди. Ноҳақ қамалган, жабр чеккан минглаб юртдошларимиз озод этилди. Бугун ёшларимиз тинч ва осойишта осмон остида, ота-онаси бағрида эмин-эркин улғаймоқда.

Улар истиқлолни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, унинг қадрига етиш зарурлигини, бу ёруғ ва саодатли кунларимиз, бахтиёр ҳаётимиз халқимизнинг фидойи инсонлари чеккан машаққатлар эвазига келганини билиши керак ва келажак авлодга етказишимиз шарт ва зарур. Биринчи Президентимизнинг жонажон Ватанамиз буюк келажаги, тинчлиги ва осойишталиги, халқимиз фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатларини қанча эсласак кам.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг Ватанамиз мустақиллиги, халқимиз озодлигини таъминлаш йўлидаги чеккан захмати, миллатимиз олдидаги юксак хизматларини ёшлар онги ва қалбига сингдириш гоят улкан маънавий-маърифий, тарбиявий аҳамиятга эга.

Президентимиз доим биз ёшларга мурожаат этганларида “Азиз фарзандларим, маррани баланд олинлар. Ўқиб-ўрганиш, касб эгаллаш, изланишдан бир муддат ҳам тўхтаманг”, деб кўп бора такрорлаб, шу муқаддас заминни обод этиш, уни ҳимоялаш барчамизнинг бурчимиз эканини такрор ва такрор уқтирар эди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг порлоқ хотираси барча ўғил-қизларнинг ёдида мангу сақланиб қолади.

**Ҳабиба НУРБОЕВА,**  
**Маънавият ва маърифат**  
**бўлими услубчиси**



## Ёшлар – келажакимиз ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

2018 йил 25 январь куни Ёш олимлар кенгаши томонидан «Ёшлар билан мулоқот – муаммо ва ечимлар» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилишини маълум қиламиз!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-5106-сонли Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи муассислигидаги Республика Ёш олимлар Кенгаши томонидан 2018 йилнинг 25 январь куни “Ёшлар билан мулоқот: муаммо ва ечимлар» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилишини маълум қиламиз.

### Конференциянинг мақсади:

Ёшлар муаммолари сабабларини тадқиқ этиш, уларни бартараф этишнинг илмий-амалий ечимларини ишлаб чиқиш, шунингдек, бу борада олиб борилаётган ишларни тизимли ташкил этишда давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигини янада такомиллаштиришдан иборат.

### Конференция куйидаги шўъбаларда иш олиб боради:

**1-шўъба:** Ёшларда юксак таълим-тарбия ва маънавий дахлдорлик ҳиссини шакллантириш.

**2-шўъба:** Ёшларни ахборот-психологик хуружлардан ҳимоя қилишнинг замонавий усуллари.

**3-шўъба:** Ёшлар муаммоларини бартараф этишда институционал ҳамкорлиқни ривожлантириш.

**4-шўъба:** Ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш омиллари.

## IT СОҲАСИДАГИ ЮКСАК ҚАДАМ

Инсон зоти дунёда яшар экан домо янгиликка, эзгуликка ва ўз орзу истаклари ва гоёларига интилиб яшайди. Ўз гоёларини амалга оширишда унда нима бўлади? Бундай ҳолатда инсон бахт гуруҳ, муваффақият ва гоёлиқликни ҳис этади ўзини ҳаётини яхшилайти албатта... Ва бу албатта бошланишига келажакка эса амалга оширилган гоё кўллаб инсонларнинг ҳамда кўпинча кузатамишқи бутун бир авлоднинг ҳаётини яхшилаб яшаш даражасини янги босқичга олиб чиқади, бу эса ўз навбатида келажак авлоднинг унданда юқори чўққиларга эришишга ундайди.

Бизнинг она заминимиз Ўзбекистонда жуда кўллаб ихтирочилар ва инновацион гоё эгалари яшаб таҳсил олмоқдалар. Уларнинг барчаси бизнинг ўзбек фарзандларидир ва уларнинг интеллектуал инновацион имкониятлари мутлақо чексиз десак биз адашмаймиз. Жорий йилнинг ноябрь ойида Тошкент давлат турийн политехника университетидега Ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида ўтказилган ёш олимлар форумини мисол қилиб олишимиз мумкин. Бу форумда 50 нафардан ортқ коллеж, лицей ва олий таълим муассасалари талабалари ўз инновацион гоёлари, ихтиролари билан иштирок этдилар.

Ёш олимларнинг ихтиролари орасида IT, нефть-газ ва тиббиёт йўналишидаги гоёлар инновацион ва долзарб деб топилди. Шулар ҳақида қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак:

IT соҳасидаги ёш талаба олимларнинг ихтироси коллеж, лицей ва мактабларда мавжуд турникет давомат бошқарув тизимини янги ҳақиқатдан ҳам «Ivur» варианты: унинг ишлаш тизими жуда оддий яъни ўқишга келган ҳар бир ўқувчи эшикдан кирайтиб турникетга карточкасини эмас, махсус сканерга бармогини қўйган ҳолда «check in» (ўқишга кирди) рўйхатдан ўтади. Ўқишдан чиқаётиб эса яна бармоқ изларини сканерга қўйган ҳолда «check out» (қўйишдан чиқди) дарсдан чиққан вақтини белгилайди.

IT соҳасидаги ихтироларнинг яна бири дастурлаш тилининг ўзбек тилига таржима қилинган варианты бўлди. Ушбу дастур ёрдамида ҳар қандай хохловчи одам дастурлашни ўзимизнинг ўзбек тилида ўргана олади.

Нефть-газ соҳасида ихтиронинг қисқача мазмунини газ конларида қазиб олинётган газнинг аввал фойдаланиб бўлмаётган қисминини энди электр энергиясини олишда фойдаланишга мослаштириш имконияти пайдо бўлди. Тиббиёт йўналишидаги ихтиро эса ҳозирги кунда мавжуд юрак ритминини ўлчовчи фитнес трекеари ақлли соатлариданда фойдалироқ бўлиши кутилаётган соат кўринишидаги мобил юрак эгк қурилмаси бўлди. Ушбу қурилма инсонга юрак фаолиятининг доимий ҳолатини батафсил билишга имкон беради.

Шу билан биргаликда яна бир неча гоёлар шу жумладан декабрь ойи босида Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтган кўргазмада бир неча ёш олимларнинг техника ва фармацевтика йўналишидаги ихтиролари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди.

Фармацевтика йўналишидаги талабалар бир неча дори воситаларини ўзимизнинг юртимизда сифати бўйича асло қолишмайдиган ва ҳамёнбоп аналогларини ҳамда олдинда мавжуд бўлмаган маданий ўсимликларнинг таркибидан ажратиб олинган витамин препаратларини синтез қилишга муваффақ бўлишган дори воситаларини тақдим этишди.

Техникларимиз эса бу сафар иссиқхона экинларини инновацион автоматик равишда томчилаб суғориш технологияларини тақдим этишди. Шундай ихтирочи олимларимиз бо экан ақин келажакда бизнинг буюк давлатимиз ҳозиргиданда қудратли давлатга айланиши аниқ.

**С.МАВЛЯНОВ**  
**Ёшлар иттифоқи раиси,**  
**Ғ.МАМАДИЁРОВ**

**Тадбиркорлик ва ташаббускор ёшлар**  
**йўналиши етакчиси**

**5-шўъба:** Ёшлар ишсизлигининг олдини олиш ва бандлик муаммоларини бартараф этиш.

### Конференцияга тақдим этиладиган илмий мақолаларга талаблар:

-илмий мақолалар конференция йўналишларига оид долзарб мавзуларда, илмий таҳлилларга таяниб тайёрланган, тугалланган фикр ҳамда тегишли тақлиф ва тавсиялар билан тақдим этилиши лозим;

-илмий мақолалар ўзбек, рус, инглиз тилларида ҳтириш билан тақдим этилади;

-тақдим этилаётган илмий мақолалар соҳа бўйича етуқ мутахассисларнинг камиде битта тақризи билан қабул қилинади.

Илмий мақолалар матнлари таҳрир қилинган ҳолда А4 ҳажмдаги қоғозга, юқоридан ва пастдан 2 см., чапдан 3 см., ўнгдан 1,5 см. жой қолдириб, бир нусхада расмийлаштирилган бўлиши лозим. Мақоланинг номи бош ҳарфлар билан ёзилиб, 1,5 интервалдан сўнг муаллифнинг исми ва отасининг исмини бош ҳарфлари ҳамда фамилияси ёзилади, 1 интервалдан кейин ташкилот (иш ёки ўқиш жойи) ва давлат (шаҳар) номи кўрсатилади. Сўнгра 1,5 интервал қолдириб, матннинг мазмунини 1,5 интервалли қаторларда ёзилади.

Матннинг электрон нусхасини MS WORD дастурида, Times New Roman шрифтида, 14 кегел катталигида бўлиши ва 5 бетдан ошмаслиги керак. Мақолалар бир нусха қоғозда ва электрон шаклда 2018 йил 20 январга қадар топширилиши лозим.

Батафсил маълумотларини (+99890) 317-52-84 рақамидан олишингиз мумкин.

**Ёшлар иттифоқи раиси: С.МАВЛЯНОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ИТТИФОҚИДАН “МЕГА СПОРТ” ЛОЙИҲАСИ

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда Вазирлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид Давлат сиёсатини самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 5106-сонли фармонининг ижроси юзасидан 2017 йил 20 декабрь куни “Биз чемпиони” шiori остида йўл тўсиғидан ўтиш аънаваний “Мега спорт” мусобақаси бўлиб ўтди. 20 декабрь куни Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши томонидан ташкил этилган “Биз чемпиони” шiori остида йўл тўсиғидан ўтишда жамоалар ўртасида аънаваний “МЕГА СПОРТ” мусобақасига старт берилди. Ўзбекистон Республикаси миқёсида бўлиб ўтган мусобақада жами 41 та олий ўқув юртларидан келган жамоалар қатнашдилар. Жуда ҳам қизгин кечган мусобақада Тошкент тиббиёт академияси жамоаси Навоий Жисмоний тарбия олийгоҳи жамоасига қарши баҳс олиб бордилар ва ғалабага эришдилар. Улар белгиланган тўсиқлардан жами 8 дақиқаю 20 сонияда ўтиб кучли 10 таликка киришга муваффақ бўлишди ва умумий жадвалда 7-уринини эгалладилар. Жамоа аъзоси Ақромова Зулайхо қизлар ўртасида мусобақанинг “Энг жасоратли иштирокчи” номинациясини қўлга киритди.

**С.МАВЛЯНОВ**  
**Ёшлар иттифоқи раиси,**  
**У.ТўРАБОЕВ**

**Спорт ва саломатлик йўналиши етакчиси**

